



Барака бериладиган амаллар



Саҳарлик қилиш

Анас ибн Молик розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Саҳарлик қилинглари, албатта, саҳарликда барака бордир”**, деб марҳамат қилдилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Саид Худрий розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Саҳарликнинг ҳаммаси баракадир. Уни тарқ қилманглари. Гарчи сизлардан бирингиз бир қултум сув бўлса ҳам ичиб қўйсин. Чунки Аллоҳ таоло ва Унинг фаришталари саҳарлик қилувчиларга салават айтадилар”** (Имом Аҳмад ривояти).

Ушбу ҳадислар саҳарлик қилишда кўп яхшилик, хайр-барака борлигига далолат қилади. Унинг хайру баракаси дунёвий ишларга ҳам, охираат ишларига ҳам бирдек тааллуқлидир. Дарҳақиқат, саҳарлик қилиш рўзадорда тетиклик ва фаолликни оширади, одатдагидан кўпроқ очликни енгишида қувват бўлади. Бу билан у суннатга эргашади, саҳарлик қилмайдиган аҳли китобларга хилоф қилади, дуолар ижобат бўладиган вақтларни топади ва нафсини кечанинг охирида таҳажжуд ўқиш, ибодат қилишга одатлантиради.

Ифторни тезлатиш

Саҳл ибн Саъд розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Модомики, одамлар ифторни тезлатишар экан, яхшиликда бардавом бўладилар”**, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: **«Аллоҳ азза ва жалла айтади: “Мен учун бандаларимнинг энг суюқлиси ифторни тезлаштирадиганларидир”»** (Имом Термизий ривояти).

Ушбу ҳадислар қуёш ботиши билан ифтор қилишга шошилиш мустаҳаб эканига далолат қилади. Ифтор вақти кириши билан оғизни очиш яхшиликда бардавом ва Аллоҳнинг суйган бандаларидан бўлишнинг сабабларидан биридир. Чунки бунда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашиб бор. Зеро, тирикчилигининг асоси бўлган еб-ичишдан кун бўйи тийилиб турган саломат нафс унга етишиш онларини интиқлик билан кутади.

Ифторни шошилтиришдаги ҳикмат шуки, рўзани кундуздан ошириб юбормасликда рўзадор учун енгиллик бор. Қолаверса, оғиз очишга шошилган банданинг оғизлигини изҳор қилган бўлади.

Хурмо билан оғиз очиш

Салмон ибн Омир розияллоху анхундан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **“Сизлардан бирингиз оғиз очмоқчи бўлса, қуруқ хурмо билан**

очсин. Агар тополмаса, сув билан очсин. Зеро, у покдир” (Бешовлари ривоят қилинган).

Ҳадисдан оғизни хурмо билан, тополмаса, сув билан очиш мустаҳаб экани келиб чиқади.

Анас розияллоху анхундан ривоят қилинади: **“Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам намоз (шомни) ўқишдан олдин (рутов) янги етилган хурмолар билан оғизларини очар эдилар. Янги етилган хурмолар бўлмаса, (тамр) қуруқ хурмолар билан (очар), қуруқ хурмолар бўлмаса, сувдан бир неча қултум ичиб қўяр эдилар”** (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Хурмо таркибидаги шакар моддаси тез сўрилиб, осон ўзлашганидан, ҳазмининг енгиллигидан баданнинг таомга бўлган эҳтиёжини қондиришда фойдалидир. Қуруқ хурмо бир киши учун тўлиқ таом бўла оладиган озуқани ўз ичига олади. Янги етилган хурмо қуруғига қараганда ошқозон учун анча енгил. Агар улар бўлмаса, бошқа ширинликлар билан ҳам оғиз очиш мумкин. Чунки уларнинг ҳазми енгил ва жисмда йўқотилган қувватнинг ўрнини тез қоплаш хусусияти бор.

Сувнинг пок деб сифатланиши шундаки, бошқа нарсани тановул қилишдан олдин уни ичиш ошқозонни таом ейишга тайёрлайди.

Анас розияллоху анхунинг ҳадисидан ифторнинг намоздан олдин экани маълум бўлади. Лекин бу шом намозини шошилтиришга ҳалал бермайди. Чунки бир нечта хурмони еб олишга кўп вақт кетмайди.

Манбалар асосида Денов тумани “Умар Одил” масжиди имом ноиб Шосайд ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ҚИСКА САТРАЛДАР

✓ 22 февраль. Қозоғистоннинг Атирау шаҳрида бўлиб ўтган “Ислом – экстремизмга қарши” мавзусидаги халқаро анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон қори Ишматбеков иштирок этди.

✓ 22 февраль. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов ва диний идора Қуръони карим ва тажвидни ўргатиш бўлими мудир Шайх Алижон қори Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакилликлари жамоаси ва масжидларнинг барча имомларига zoom дастури орқали маънавий-маърифий суҳбат ўтказишди.

✓ 24 февраль. Самарқанд вилоятидаги 288 та масжид кутубхоналарига вилоят бош имом-хатиби Зайниддин Эшонкулов таржима қилган “Саҳобия аёллар ҳаёти қомуси” номли китоб ҳада тарикасида тарқатилди.

✓ 26 февраль. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Наманган вилоятидаги “Саховат” қариялар уйига ташриф буюрди.

Мусулмоннинг қўғғони

“Аллоҳумма фатирос самавати вал арзи ғаалимал ғойби ваи шаҳаадати, Робба кулли шайъин ва малийкаҳ. Ашҳаду аллаа илааҳа илла Ант. Аъзузу бика мин шарри нафсий ва шарриш шайтони ва ширкиҳ”.

“Эй Ер осмонларни бор қилган Раббим, эй ғайбни ва шохидни билувчи Раббим, Сен ҳар бир нарсанинг парвардигори ва подшоҳидирсан. Гувоҳлик бераманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Нафсимнинг ёмонлигидан, шайтоннинг ёмонлигидан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман” (эрталаб ва кечки пайт) (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

“Ҳасбийаллоҳу лаа илааҳа илла Ҳува, ғалайҳи таваккалту ва Ҳува Роббул ғаршил ғазийм”.

“Аллоҳ менга кифоя қилади. Ундан бошқа илоҳ йўқ. Унга таваккал қилдим. Улуғ Аршининг Раббидир (эрталаб ва кечки пайт етти мартадан) (Ибн Сунний ривояти).

Бидъат нима?

“Бидъат” сўзи луғатда “ўхшаши бўлмаган янги нарсани пайдо қилиш, диний ақидаларга киритилган ўринсиз ислоҳ”, деган маънони билдиради. Истилоҳда эса “Бидъат – Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида бўлмаган нарсани амалга ошириш” (“Қавоидул аҳком”).

Демак, ибодатларда саодат асрида учрамаган, балки кейинчалик динда янги пайдо бўлган амаллар бидъат ҳисобланади. Бу ҳақда Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Сизлар менинг ва тўғри йўлда юрувчи, ҳидоят топган хулафоларимнинг йўлини тутиб, уни озиқ тишларингиз билан тишлагандек маҳкам ушланглар. Динга янгиликлар киритишдан сақланглар, албатта, ҳар қандай бидъат залолатдир”** (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Динга янгилик киритиш, гўё Аллоҳ ва унинг Расули билмаган нарсани “мен топдим”, деб даъво қилишдир. Ваҳоланки, Ислом Аллоҳ томонидан юборилган мукаммал диндир. Биз мусулмонларнинг вазифамиз – динимизнинг

моҳиятини тўғри англаб етиб, ҳаётимизга татбиқ қилиш ва турли бидъат-хурофотларни пайдо қилмасликдир.

Уламоларимиз бидъатни икки қисмга бўлганлар: бидъати ҳасана (яхши) ва бидъати саййиа (ёмон).

Бидъати ҳасана – шариатда асли бўлган амални шу аслга таяниб, уни шакллантириш учун жорий қилинган кўшимча амалларга айтилади. Бунга ҳазрати Умар розияллоҳу анхунинг ишларини мисол қилиш мумкин. Суннат амал бўлган таровеҳ намозини Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам жамоат билан ўқимас эдилар. Ҳазрати Умар эса халифалик даврида мазкур намозни жамоат бўлиб ўқишни жорий қилди ва: “Қандай яхши бидъат бўлди”, деган.

Шунга биноан диний илмлар ўргатиш учун алоҳида мадрасалар қуриш, китоблар чоп этиш, масжидларга гилам солиш, Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг гўзал сийратларини тарғиб қилиш учун мавлид ўқиш сингари дин асосларига зид бўлмаган амаллар “бидъати ҳасана”

бўлади. Унга амал қилиш жоиз ва у залолатга бошламайди.

“Бидъати саййиа” эса, шаръий асосга эга бўлмаган амал ёки эътиқодни жорий этишдир. Бундай бидъат айни залолат бўлиб, у шариатда рад этилган. Қуйидаги ҳадиси шариф ҳам шунга далолат қилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Ким бизнинг бу ишимизда унда бўлмаган янги нарсани пайдо қилса, бас, у рад этилгандир”** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний раҳматуллоҳи алайҳ ушбу ҳадис шарҳида бундай дейди: “Бу – динни сохталаштириб, бузишдан асровчи ҳадислар жумласидан бўлиб, муҳим қондани ўз ичига олган. Яъни, динга зид ва диннинг далиллари, қоидаларига хилоф бўлган ҳар қандай бидъатни рад қилиш лозим эканини ифодалайди. Аммо динга зид бўлмаган, шу билан бирга, унинг асосларига таянган ҳолда кейинчалик динни ҳимоялаш учун жорий қилинган амаллар рад этилмайди” (“Фатҳул борий шарҳи Саҳиҳил Бухорий”).

Ҳанафий мазҳабининг муҳаққиқ олимларидан Мулла Али Қори бундай дейди: «...Ҳадиснинг маъноси шуки, ким Исломда бир “фикр” ўйлаб топса, унга Қуръондан ҳам, суннатдан ҳам, очиқ-ойдин ёки махфий, лафзий ёки мустанбат (ижтиҳод қилиб олинган) асос бўлмаса, у (фикр ёки амал) рад қилингандир» (“Мирқотул мафотиҳ”).

“Бидъати ҳасана” ва “бидъати саййиа” ўртасини ажратишдаги асосий мезон шариатнинг умумий қоидаларидир. Яъни, Набий алайҳиссалом даврларида кузатилмаган бирор амал ушбу шариат қоидаларига мувофиқ келса, залолатга бошловчи бидъат бўлмайди. Балки мақталган, яхши бидъат саналади.

Демак, Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида бўлмаган ҳар бир амал ҳам ёмон бидъат бўлавермайди. Балки шариатнинг умумий қоидаларига зид ёки унга асосланмаган ҳар қандай амал ё эътиқод залолатга бошловчи бидъат ҳисобланади. Ҳар бир мусулмон айни шу бидъатдан сақланиши лозим.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази

Ёмонликдан қайтариш

Силаи раҳмни узиш – оғир гуноҳ

Аллоҳ таоло бандаларини намоз ўқишга ва рўза тутишга буюриши баробарида қариндошлар билан алоқани узмасликка, силаи раҳмга чақиради.

“Силаи раҳм” арабчадан ўғирганда, қариндошлик алоқаларини боғлаш (сила – боғлаш, раҳм – қариндош) деган маънони англатади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда мўминлар ҳақида марҳамат қилади: **“Улар Аллоҳ боғлашига буюрган нарсаларни** (яъни қариндошлар билан алоқани)

боғлайдилар, Парвардигорларидан кўрқадиладар ва охиратда ҳисоб-китобнинг нохуш кечилишдан чўчийдилар” (Раъд сураси, 21-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **“Ким ризқи кенг, умри узун бўлишини хуш кўрса, қариндошлик алоқаларини боғласин”** (Муттафақун алайҳ).

Силаи раҳмнинг савоби улуғлиги баробарида, уни узган кишилар учун қаттиқ ваъидлар бордир. Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъимдан ривоят қилинади.

Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қариндошлик алоқасини узган одам жаннатга кирмайди”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифдан силаи раҳмни узган одамлар қиёмат куни Аллоҳнинг буюк неъматини бўлган жаннатдан бебаҳра қолиши аёнлашади.

Бугунги кунда силаи раҳм билан боғлиқ юз бераётган баъзи воқеалар кўнгингизни хира қилади. Шундай инсонлар бор, намоз ўқиб, рўза тутишади, аммо силаи раҳмга бепарво бўлишади.

Ҳатто ота-она дунёдан ўтгач, ака-ука, опа-сингиллар ўртасида арзимас мол-мулк, ерни деб юзқуришмас бўлиб кетишлари ўта ачинарли ҳолатдир.

Агар одамларга қариндошлар ўртасида бўладиган силаи раҳм, уни узишнинг оғир гуноҳлиги ҳақида кўпроқ эслатсак, бундай нохуш вазиятлар камаяди, иншоаллоҳ.

Зафар ЯҲЁЕВ,
Урғут тумани “Мирзо Улуғбек”
жоме масжиди имом-хатиби

Тафаккур

Фикрламайдиган киши сомон кабидир

Аллоҳ таоло инсонларни доимо бутун борлиқ, хусусан, ўзларининг атрофида бўлаётган ишлар ва ўзларидан аввалгиларнинг қисматлари ҳақида тафаккур қилишга, ибрат олишга, яхшидан ёмонни ажрата билишга чорлайди: **«Биз бу мисолларни одамларга зора улар тафаккур қилсалар, деб келтирмоқдамиз»** (Ҳашр сураси, 21-оят).

Афсус, ҳозирги кунда кўпчилик тафаккур қилишга эринади.

Маънавият, билим олиш, одоб-ахлоқ хусусида гап очилса, эснай бошлайди, суҳбатни бошқа мавзуга буришга уринади. Бундай кишилар атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини ўйлаб ўтирмайди, балки енгил, аниқроғи, нотўғри хулоса чиқариб қўя қолишади.

Киши фикрламай қўйса, ўзгаларнинг йўриғига юради. Оқибатда тубанлик ботқоғига осонгина

ботиш, турли оқим ва гуруҳларга қўшилиб кетиш хавфи пайдо бўлади.

Фикр юритишга одатланган инсон адашса, яна қайтиб тўғри йўлни топиши мумкин. Аммо фикрламайдиган инсон бунга қодир бўлмайди. Шайх Муҳаммад Ҳазолий бундай дейди: “Мен адашган бўлса-да, фикр юритадиган инсондан кўрқмайман. Чунки у тезда ҳаққа қайтади. Аммо тўғри йўлда

бўлса-да, фикрламайдиган инсондан кўрқаман. Чунки у сомонга ўхшайди. Шамол қайси томонга эсса, ўша томонга кетади”.

Аллоҳ таоло барчамизни тафаккур қиладиган, ўз фикр ва тушунчаларига эга бўлган инсонлардан қилсин!

Рухиддин АКБАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг
Қашқадарё вилояти вакиллиги ходими



Қироатдаги хатолар

Аввалги ракатда Маъун ва иккинчи ракатда Кафирун сурасини ўқиса, яъни орада Кавсар сурасини ташлаб кетса, макруҳи танзиҳий бўлади. Лекин саждаи саҳв қилиш вожиб эмас (*“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”*).

* * *

Имом ўзига таниш кишини намозга қўшилиб олиши учун қироатни узун қилиши ёки рукуни чўзса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Лекин ундай қилиш макруҳ (*“Фатавойи Оламгирия”*).

* * *

Намоздаги қироатда маъноси ўзгариб, унга эътиқод қилиш куфр бўладиган даражада хатога йўл қўйса, намоз фосид бўлади. Бу хато уч оят ўқишдан олдин бўладими, кейинми — фарқи йўқ. Агар замма, фатҳа, касра алмашиб кетса ёки ташдид, тахфиф ёки мад ва қасрда ўзгариш бўлса, намоз фосид бўлмайди. Лекин бу ўзгаришларда ҳам маъно жуда хунук тарзда бузилиб кетса, намоз фосид бўлади. Бунга эса моҳир, ишончли олимгина айта олади, холос (*“Раддул мухтор”, “Фатавойи Оламгирия”*).

* * *

Агар бирор ҳарфнинг ўзгариши сабабли ундан ирода қилинган маъно ҳам ўзгариб кетса, намоз фосид бўлади. Маъно ўзгармаса, намоз фосид бўлмайди (*“Фатавойи Оламгирия”*).

* * *

Агар бир ҳарф ўрнига бошқа ҳарф ўқилса ва маъно ўзгарса, икки ҳарфни ҳеч қандай машаққатсиз бир-биридан ажрата олиши мумкин бўлган ҳолда уни фарқламаса, намоз фосид бўлади. Агар у икки ҳарфни бир-биридан ажратиши қийин бўлса, масалан, “син” ва “сод”, “зо” ва “зод”, “то” ва “та” ҳарфларининг бири ўрнига иккинчисини қасддан ўқиса, намози фосид бўлади. Агар адашиб ўқиса ёки у

иккита ҳарфнинг фарқини билмайдиган даражада жоҳил бўлса, намози фосид бўлмайди. Бундай одам шунга ўхшаш ҳарфлар бўлган оятлардан бошқа оятларни ўқиши лозим (*“Фатавойи Оламгирия”*).

* * *

Агар бир киши бирор калимани қўшиб қироат қилса ва маънода хунук ўзгариш бўлса, у калима Қуръони каримда келган ё келмаган бўлса ҳам, намоз фосид бўлади. Агар калима билан маънода катта ўзгариш бўлмаса ва у Қуръони каримда мавжуд бўлса, билиттифоқ намоз дурустдир ва агар Қуръони каримда бўлмаса, масалан, **«иннама нумлий лаҳум лийаздаду исман ва жамалан»** деб ўқиса, билиттифоқ намоз фосид бўлади (*“Фатавойи Оламгирия”*).

* * *

Агар бир киши ўқиб-ўқиб қироат орасида бирор калимани ташлаб кетса, агар у камликдан маънода ўзгариш пайдо бўлмаса, намоз дурустдир. Масалан, бир киши «жазаъу саййиадин саййиадин мислуҳа» оятини «жазаъу саййиадин мислуҳа», деб қироат қилса, яъни бир «саййиа»ни кам ўқиса. Агар маънода ўзгариш юзга келса, аксар уламолар наздида намоз фосид бўлади ва қувватли гап ҳам шудир. Агар маънода хунук ўзгариш бўлса, билиттифоқ намоз фосид бўлади. Бундай суратлардан бирортаси дуч келиб қолса, ишончли олимдан сўраб олиш лозим (*“Фатавойи Оламгирия”*).

* * *

Ҳар ракатда бир суранни тўлиқ ўқиш афзал. Бир ракатда бирор сураннинг бир қисмини ва бошқа ракатда яна бошқа бир сураннинг бир қисмини ўқиш авлога хилофдир (*“Фатавойи Оламгирия”*).

* * *

Агар киши Фотиҳа сурасидан

сўнг бир ёки икки қисқа оятни ўқиса, намоз макруҳ бўлади (*“Фатавойи Оламгирия”*).

* * *

Қироат рукни адо бўлишининг энг кам даражаси шуки, ҳарфлар тўғри талаффуз этилиши ва намоз ўқиётган кишининг ўзи эшитадиган даражада бўлиши керак (*“Сағирий мужтабои”, “Фатавойи Оламгирия”*).

* * *

Бир киши биринчи ракатда фақат бир марта сажда қилса ва иккинчи ракатда бир марта сажда қилгани ёдига тушса, дарҳол сажда қилиши ва қолган ракатни тамомлаб, намоз охирида саждаи саҳв қилиши лозим (*“Кабирий”*).

* * *

Рукуда сажданинг, саждада рукунинг тасбеҳини айтиш билан саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Лекин макруҳи танзиҳий бўлади. Агар ўша пайтда ёдига тушиб, тўғрилаб олса, суннатга мувофиқ иш қилган бўлади (*“Раддул мухтор”*).

* * *

Агар киши намозда бир марта ёки икки марта сажда қилгани ҳақида шак қилиб, бирор томонга гумони ғолиб бўлмаса, яна бир марта сажда қилади ва охирида саждаи саҳв қилади (*“Раддул мухтор”*).

* * *

Имомга эргашиб руку ёки сажда қилмаган киши, ёдига тушиши билан дарҳол руку ёки сажда қилиб, имомга етиб олади. Агар у вақтда қилмаса, имом салом берганидан сўнг руку ёки сажда қилиб олади. Агар шундай қилмаса, намози дуруст бўлмайди ва намозни қайта ўқийди (*“Раддул мухтор”*).

(Давоми бор...)

✍ **Ёрқинжон ФОЗИЛОВ**нинг
“Саждаи саҳв масалалари” китобидан

Ислом сабоқлари

Масжидга келган одам қуйидаги одобларга риоя қилиши лозим:

- оғиз ё бадандаги нохуш ҳидларни кетказиш;
- тоза-покиза кийимлар кийиш (айникса, пайпоқларнинг тозаллиги);
- хушбўйланиш;
- оҳисталик ва виқор билан юриб бориш;
- ўнг оёқ билан кириш;
- кираётганда: **“Бисмиллаҳ. Вассолату вассаламу ғала Росулиллаҳ. Аллоҳуммағфир лий зунубий, вафтах лий абва-аба роҳматик”** (Аллоҳ номи билан бошлайман. Расулуллоҳга салават ва саломлар бўлсин. Аллоҳим, гуноҳларимни мағфират қил ва менга раҳмат эшикларингни оч), деб айтиш;
- намоз ўқиётган кишининг олдидан кесиб ўтмаслик;
- одамлар елкасидан ошиб олдинги сафга ўтмаслик;

Масжид одоблари

- ўтирмасдан олдин икки ракат “тахийятул масжид” намозини ўқиш (намоз ўқиш макруҳ бўлмаган ҳамда имом хутба ёки мавъиза қилмаётган вақтларда);
- имом хутба ўқиётган ёки мавъиза қилаётган бўлса, ўтириб тинглаш;
- телефоннинг овозини ўчириб қўйиш;
- Қуръон тиловати ёки зикр — тасбеҳ, таҳлил билан машғул бўлиш;
- заруратсиз дунё сўзларини гапирмаслик, зарурат бўлиб қолса, овозни кўтармаслик;
- намоз тугаганидан сўнг шошмай, оҳисталик билан масжиддан чиқиш;
- чап оёқ билан чиқиш;
- чиқаётганда: **“Бисмиллаҳ. Вассолату вассаламу ғала Росулиллаҳ. Аллоҳумма инний асъялука мин фазлик”** (Аллоҳ

- номи билан бошлайман. Расулуллоҳга салават ва саломлар бўлсин. Аллоҳим, мен сенинг фазлингни сўрайман), деб дуо қилиш.
- Масжид ичидида қуйидаги ишларни қилиш макруҳ:**
 - ухлаш (этикоф ўтирувчилардан бошқаларга);
 - овқатланиш (этикоф ўтирувчилардан бошқаларга);
 - тиловат ёки зикр-тасбеҳларда овозни кўтариб бошқаларга ҳалақит бериш;
 - дунё сўзларини гаплашиш;
 - бир четда одамларни кузатиб ўтириш;
 - тупуриш, бурун қоқиш, балғам ташлаш;
 - Қуръон тиловат қилинаётганда туриб кетиш;
 - йўқолган нарсани масжидда эълон қилиш...

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Йигирма кун туришни ният қилиб сафарга чиқдим. Етиб боргач, икки кун намозларимни тўлиқ ўқидим. Кейин уйга ўн кунда қайтадиган бўлиб қолдим. Энди қолган кунларда намозларни қаср қилиб ўқийманми ёки тўлиқми?

ЖАВОБ: “(Муқим киши турган шаҳридан) чиқмагунча сафарга чиқиш ниятининг ўзи билан мусофирга айланмайди” (*“Фатавойи Оламгирия”*).

Шунинг учун сиз ўша ерда намозларни тўлиқ ўқишда давом этасиз. Уйга қайтсангиз, йўлда қаср қилиб ўқийсиз.

САВОЛ: Яқинда кўзим операция бўлган. Устига-устак, грижам ҳам бор. Сажда қилганимда кўзимга босим тушиб, грижам оғриятти. Бу ҳолатда қандай ибодат қиламан?

ЖАВОБ: Бемор биров вақт тик туришга қуввати етса, имкон қадар туриб намоз ўқишни бошлайди ва намоз асносида толиқиб қолса, ўтириб давом эттиради. Киши руку ва сажда қилолмаса, ўтириб, руку ва саждани боши билан имо қилиб намоз ўқийди. Бошини сажда учун рукуга эгганидан кўра кўпроқ эгади. Акс ҳолда намози дуруст бўлмайди. У сажда қилиши учун бирор нарсга баланд қилиб қўйилмайди. Руку ва саждани боши билан имо қилиб намоз ўқишга қодир бўлмаган бемор руку ва саждани кўзи, қоши ёки қалби билан имо қилиб, намоз ўқимайди.

📌 5-бетда

Туя қандай яратилган?

«Ахир, улар туянинг қандай яратилганига боқмайдиларми?!» (Ғошия сураси, 17-оят). Мазкур оят инсониятни туянинг яратилиши борасида фикр юритиб, Аллоҳ таолонинг чексиз қудрати ҳамда Унинг ягона яратувчилигига иқрор бўлишга ундамоқда.

Туялар қишда сувсиз бир неча ой, 30–35 даража иссиқда эса, 10–15 кун яшай олади. У сувсизланиш туфайли тана вазнининг 30 фоизини йўқотса ҳам тирик қолади. Бу унинг организмидаги физиологик мослашувчанлик билан боғлиқ.

Замонавий илм-фан туяларга оид кўплаб ҳайратланарли мўъжизаларни кашф этди. Хусусан, унинг киприклари узун, шаффоф учинчи кўз қовоғи бўлиб, у кўзни кум ва қуёш нурларидан ҳимоя қиладди. Шунингдек, бурун тешикларини беркита олиш орқали чангнинг

танага киришига йўл қўймаслик, нафас чиқариш натижасида ҳосил бўлган буғни ушлаб туриш ҳамда яна танага қайтариш хусусиятига эга. Бу эса, ўз навбатида, танада кам сув йўқотилишига хизмат қиладди.

Туяларнинг устки лаблари ёриқ бўлиб, улар ўсимликларни осонгина йиғиб олиш имконини беради. Оғиз қисми эса, чўлда ўсадиган тиканли ўсимликларни ейишга мослашган қалин қатлам билан қопланган. Кулоқларида жуда кўп туклар бўлиб, улар чанг ва кум бўронларига қарши қалқондир. Танадаги зич юнг чўлнинг гармселидан изоляция қилишга мослашган. Юнглари иссиқ ойларида қуёш нурларини қайтариш учун оч тусга киради.

Туянинг кўкрак тарафидаги йўғон суяк қалин юнгсимон тери билан қопланган.

Бу тери туя ётганда танасини иссиқ кумдан кўтаришга ҳамда остидан ҳаво ўтишига ёрдам беради.

Оёқларининг узунлиги танани кумнинг иссиқлигидан узоқлаштиради. Шу билан бирга, оёқлар орасидан ҳаво ўтишига имкон бериб, танани тез совутишга кўмаклашади. Оёқларининг таг қисми кенг, юмшоқ, эгилувчан пошнадан иборат. Улар тана вазнини тўғри тақсимлашга ёрдам бериб, оёқларнинг юмшоқ кумга ботиб кетишининг олдини олади.

Танадаги суюқлик етишмаслигини бартараф этиш мақсадида туя бирваракайига 200 литр га яқин сув ичади. У шўр сувни ҳам ичаверади. Сув бор жойни 50–60 километр узоқликдан ҳис этади. Ичакларидаги сувни танага яна қайта сўриб оладиган ягона жонивор туридир. Туялар чиқинди чиқариш орқали кунига атиги 1,3

литр сув йўқотади. Бу миқдор сигирларнинг 20–40 литргача бўлган сув миқдори билан солиштирганда жуда кам. Туялар яна сувсизланишга дучор бўлганда қорин бўшлиғида тўпланган сувни қайта тақсимлайди. Қон ва тўқималарни сув билан таъминлайди. Шу орқали сувсизланиш пайтида йўқолган сувнинг 50–70 фоизини қоплайди.

Туя сути таркибида кальций, магний, темир, фосфор, С, D витаминлари, фойдали минерал ва микроэлементлар кўп бўлиб, у сигир сутидан бир неча карра фойдалироқдир. Туя сути – парҳез таом. Унда ёғ ва шакар миқдори сигирникидан анча кам. Туя сути сутэмизувчилар ичида инсон сутига энг яқинидир.

Бундай жониворни яратиб, инсонларга бўйсундириб қўйган Раббимизга ҳамдлар бўлсин!

 **Абдулазиз ФУРЗУЛОВ,**

“Саййид Муҳйиддин махдум” ўрта махсус ислом билим юрти мударриси

Ҳикмат – мўмининг йўқотгани

Қадр кечаси – ҳолис амаллар вақти

Қадр йиғин ва маърузалар ўтказиладиган эмас, балки ибодат билан машғул бўладиган кечадир. Ўйин бошланганида ўйинчилар майдонга тушиб, машқ қилиб юришлари мантиққа тўғри келадими?! Йўқ, албатта! Машғулотлар ўйиндан олдин бўлади. Ўйин бошланганда фақат ўйнаш керак. Худди шундай, Қадр кечаси амал кечасидир, машғулот қиладиган кеча эмас.

Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизахуллоҳ

Уйланмоқчи бўлсангиз, яхши аёлларни эмас, балки яхши эр-

какларни ахтаринг. Чунки яхши эркакларнинг уйларида яхши аёллар бўлади. Бу сўзнинг маъносини фақат озчиликкина тушунадилар.

Қизларингизни назорат қилинг. Зеро, арслонлар қўриқлаган дарахтга маймунлар осилмайди.

Имом Шаъровий

Ўғул хотима қалби ўғул кишиларга насиб қиладди. Чунки ўлим чоғи сохталик бўлмайди. Ўша пайтда қалбда яширин нарсалар юзага чиқади.

Ибн Ражаб раҳимахуллоҳ

Агар дунё аҳлига берилган нарсаларга ҳасад қилсанг, қалбинг улардаги нарсаларга ҳавас қилиб, машғул бўлса, демак, сен улардан ҳам нодонсан. Чунки улар ўзларига ато этилган нарсалар билан овора бўлса, сен ўзингга берилмаган нарса билан оворасан.

Ибн Атоуллоҳ Сақандарий

Ибодатлар учун бўш вақт қидириб, умрни ўтказиш аҳмоқликдир.

Ибн Атоуллоҳ Сақандарий

Илмнинг бошланиши ният, сўнгра кулоқ солиш, тушуниш, ёдлаш, амал ва сўнгра нашр (тарқатиш)дир.

Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимахуллоҳ

Ризқ – сизга фойдаси теккан нарсадир, сиз эришган нарса эмас. Гоҳида сиз кўп мол топасиз-у, инфоқ-эхсон ҳам қилмайсиз, фойда ҳам ололмайсиз. Чунки у сизники эмас, балки ўзганинг ризқидир. Сиз фақат уни сақлаб ва етказиб берувчисисиз, холос.

Имом Шаъровий

Ислом сабоқлари

Аллоҳ таоло бандаларига чексиз неъматлар берган. Фақат бунини тўғри англай олиш керак. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: «**У сизга барча сўраган нарсаларингиздан берди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмассизлар. Албатта, инсон ўта золим ва ўта ношукрдир**» (Иброҳим сураси, 34-оят).

Агар киши оз нарсага қаноат қилиб, кўпига шукр қилса, Аллоҳ етказган мол-дунёси сабабли ўзига бино қўймайди, йўқотганлари учун маҳзун бўлмайди. Ҳозирда одамларнинг кўпини безовта, машаққат ичра ёнаётган, бахтсиз ҳолда кўрамиз. Буларнинг бари сабаб уларнинг моддий имконияти ўздан юқоридаги кишиларга

назар солиши, бошқаларнинг қўлидаги бойликка кўз тикишидир. Ўша кишиларни бахтли, ўзларини эса бахтсиз деб ўйлашади. Оқибатда ношукрлик пайдо бўлади.

Аслида инсон кўп пулсиз, зебу зийнатларсиз ҳам саодатли яшай олади. Чинакам бахт – қалб ҳаловатидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “(Мол-дунё борасида) **ўзингиздан қуйидагиларга назар солинглар. Ўзингиздан юқоридагиларга назар солманглар. Мана шундай қилишингиз Аллоҳнинг сизга берган неъматини наст санамаслигингиз учун муносиб ишдир**” (Имом Муслим ривояти). Бу буюк ҳикмат,

кучли фикр, тўғри кўрсатма ва энг тўғри қарашдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан оёқлари шишиб кетгунча намозда қоим бўлишлари ҳақида сўралганда, у зот алайҳиссалом: “**Кўп шукр қилувчи банд бўлмайинми?!**” деб жавоб берганлар (Имом Бухорий ривояти). У зот алайҳиссалом энг улуғ саодат соҳибидир. Ўзларини ҳам, атрофларидаги мўминларни ҳам бахтиёр этдилар. Ваҳоланки, у зот алайҳиссалом дунё бойликларидан озгинасига ҳам эга эмасдилар.

Неъматлар фақатгина мол-дунё кўринишида бўлмайди. Ҳаёт ҳам, соғлиқ ҳам, ақл ҳам – неъмат. Энг буюк неъмат эса, иймондир!

Аксарият инсонлар моддий дунёси қўлдан кетганига сиқилиб, маҳзун бўладилар. Ўзларини маҳрум, бахтсиз деб ўйлашади, кўп неъматлар ичида эканларини, бахтли яшаш учун қанчадан-қанча имкониятлари борлигини англамайдилар. Раббимиз берган неъматларга шукр қилувчи, Унинг қарамини эътироф этувчи, ато этган нарсалари билан қаноатланувчи, тақсмотига рози бўлувчи бандалардан бўлсак, ҳақиқий бахт шудир.

 **Обиджон ИСМОИЛОВ,**

Сариосиё тумани “Имом Низомиддин Сангардакий” жоме масжиди имом-хатиби

Муборак танларини неча марта ўғирламоқчи бўлишди?

Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларидан то бугунга қадар у зотнинг муборак танларини ғаразли кимсалар тўрт марта ўғирламоқчи бўлишган.

Биринчи уриниш исмоилий хукмдор Убайдий томонидан қилинган. У Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг жасадларини Мисрга кўчирмоқчи бўлган. Лекин Аллоҳ Ўз Пайғамбарини ҳимоя қилди. Убайдийнинг буйруғи билан Мадинага йўл олган қароқчиларнинг йўлини кучли шамол тўсди ва улар чорасиз ортга қайтишга мажбур бўлдилар.

Иккинчи уриниш ҳам Убайдий томонидан амалга оширилди. Бу сафар Масжиди Набавийда ерости йўлини қазиб, Пайғамбаримизнинг қабрларига боришмоқчи бўлишди. Аммо одамлар Ойша онамиз хужраларидаги ёруғликни пайқаб, жиноятчиларни қўлга олиб, қатл этишди.

Учинчиси, милодий XI аср подшоҳларидан бири Пайғамбаримиз



нинг танларини олиб келиш учун салибчилардан иборат жангчиларни юборди. Шунда мусулмонлар хукмдори Нуриддин Занкий тушида Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Мени кутқар”, деб икки сариқ сочи кишига ишора қилаётганини кўрди. Занкий Мадинага бориб, Пайғамбар солаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак танларини ўғирлаш учун шаҳарга келган ўша икки кишини тезда топиб, қатл эттирди.

Тўртинчи уринишда шомлик қароқчилар Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг танларини ўғирламоқчи бўлишди. Лекин мусулмонлар уларнинг шум

режаларини пайқаб, қароқчиларни ушладилар ва қатл қилдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва салламга зарар етказиш учун қилинган барча уринишлар муваффақиятсизликка учради ва жиноятчилар жазоланди.

Шундай қилиб, Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи қайта-қайта ўз исботини топаверди: **«Эй пайғамбар, ... Аллоҳ сизни одамлардан, уларнинг зараридан сақлагай»** (Моидасура, 67-оят).

Тўлқин АЗИМОВ, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувачиси

Муборак ой фазилати

Вақт — оқар дарё. Мана, бирпасда яна ойлар султони Рамазон шариф келиб қолди. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло бу ойни бошқаларидан кўра улуғ қилди. Рамазонда шайтонлар жиловланади, дўзах эшиклари ёпилиб, жаннат эшиклари очилади, гуноҳлар мағфират қилинади. Покланиш, нафсни тарбиялаш, хулқни сайқаллаш учун ажиб бир фурсатдир.

Рамазон рўзаси инсонларнинг гуноҳ ва хатолардан кутулишига, дўзах ўтидан тўсилишига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади: **«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди»** (183-оят). Яна шу суранинг 185-оятда: **«Рамазон ойи — одамлар учун ҳидоят (манбаи) ҳамда тўғри йўл ва (ҳақдан ботилни) ажратиб берувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда (ўз яшаш жойида) ҳозир бўлса, рўзасини тутсин»**, дейилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий солаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Сизларга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ азза ва жалла сизга унинг рўзасини тутишни фарз қилди. Унда осмонларнинг эшиклари**

очилур, жаҳаннамнинг эшиклари ёпилур, шайтонлар кишанланур. Унда Аллоҳнинг бир кечаси бўлиб, у минг кечадан яхшидир. Ким у кечанинг яхшилигидан бебаҳра қолса, батаҳқиқ, маҳрум бўлибди», дедилар (Имом Насоий ва Имом Байҳақий ривояти).

Бошқа бир ҳадисда: **«Ким Рамазон рўзасини иймон билан, савоб умидида тутса, ўтган гуноҳлари кечирилади»**, дейилган (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Рамазонда фақат рўза тутиш билан чекланилмайди. Балки у Қуръон ойи ҳамдир. Шундай экан, ҳар дами ғанимат бўлган бу ойда Қуръони каримни ўқиш, тинглаш, ўрганиш, ўргатиш, маъноларини англаб, тафаккур, тадаббур қилишимиз ва ҳаётимизга татбиқ қилишимиз лозим.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Рўза ва Қуръон бандани шафоат қилади. Рўза: «Ё Раббим! Мен бу бандангни кундузлари ейиш ва шаҳватдан тўсганман. Унинг ҳаққидаги шафоатимни қабул қил», дейди. Қуръон ҳам:**

«Ё Раббим! Мен уни кечалари уйқудан тўсганман. Унинг ҳаққидаги шафоатимни қабул қил», дейди. Шунда икковининг ҳам шафоати қабул қилинади» (Имом Аҳмад ривояти).

Аллоҳ таоло барчамизга Қуръони карим ва Рамазон рўзасининг шафоатини насиб этсин! Рамазон барчамиз учун чинакам ибодат, покланиш, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш ойи бўлсин!

Нурали ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси 2-курс талабаси



Кундузлари соим, кечалари қоим

Масала

3-бетда

САВОЛ: Кимларга рўза тутмасликка рухсат берилган?

ЖАВОБ: Касал ёки мусофир кишилар, ҳомиладор ёки эмизикли аёллар, рўза тутолмайдиган қарияларга рўза тутмасликка рухсат берилган. Рўза тутса, касаллиги зиёда бўлишидан қўрққан бемор рўза тутмайди. Сафардаги кишига рўзаси зарар қилмаса, рўза тутгани афзал.

Юқорида саналган узрли кишиларнинг барчаси Рамазондан кейин имкон бўлиши билан қолдирилган кунлар рўзасини тутиб берадилар. Рўза тутолмайдиган қариялар фидя, яъни, Рамазоннинг ҳар кунига бир мискинга бир кунлик таом ёки унинг қийматини берадилар. Ҳайз ва нифос кўрган аёллар ҳам узрли кунларида рўза тутмайдилар. Қолдирилган кунлар рўзасини Рамазондан кейин тутиб беришади (*“Ҳидоя”, “Ихтиёр”, “Фатҳу бобил иноя”*).

САВОЛ: Бир зиёратчи Ойша онамиз масжидидан умрани ният қилиб, эҳромсиз, оддий кийимларда амалларни бажариб, эҳромдан чиққан. Унинг умраси тўғри бўлганми?

ЖАВОБ: Тикилган кийим кийиб қилинган умра тўғри ҳисобланса-да, вожиб амал тарк бўлгани учун жарима тўлаш лозим бўлади. Шеригингиз Ойша розияллоҳу анҳо масжидида умрага ният қилганидан бошлаб, умрасини бажариб, сочини олдиругунича бўлган муддат 12 соат ёки ундан кўп бўлса, жаримасига кўй сўяди. Агар 12 соатдан кам бўлса, ярим соъ (2кг) буғдой ёки унинг қийматини садақа қилади. Билмай қилгани учун жаримадан кутулиб қолмайди.

“Агар зиёратчи бир кундуз ёки бир кеча тўлиқ тикилган кийим кийган бўлса, унинг зиммасига жонлиқ сўйиш вожиб бўлади. Агар бир кундуз ёки бир кечадан камроқ вақт давомида кийган бўлса (ярим соъ (2кг) буғдой ёки унинг қийматини) садақа қилиш лозим” (*“Иршодус сорий”*).

САВОЛ: Тик туриб сув ичишни баъзилар мумкин деса, бошқалар мумкин эмас, дейишади. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Таҳоратдан қолган сув ва Замзам сувидан бошқа сув ва ичимликларни ўтириб ичиш — суннат. Таҳоратдан қолган сувни ва Замзам сувини туриб ичиш жоиз.

7-бетда

Рамазонга муносиб тухфа

Ўзбекистон мусулмонлари идора-си раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари бошчилигидаги Фатво маркази уламолари томонидан “Рўзага оид фатволар” ва “Таҳоратга оид фатволар” номли янги китоблар нашр этилди.

Ислом таълимотида мўминлар покликка, тозалikka амал қилишга буюрилган. Айниқса, ибодатларни бусиз адо этиб бўлмайди. Шу маънода мазкур тўпладан таҳорат қилиш, ғусл, таяммум, маҳсига масҳ тортиш, ашё-буюмларни поклаш ва бошқа муҳим масалалар батафсил баёни жой олган.

Китобда таҳорат билан боғлиқ масалаларга кенг ўрин ажратилган. Дастлаб таҳоратнинг таърифи


ва шариатда жорий этилиши, фазилатлари атрофлича баён этилиб, унга оид фарзлар, суннатлар, мустаҳаблар келтирилган. Шунингдек, ўқувчи таҳорат олишда макруҳ бўлган ишлар, уни синдирувчи амаллар, таҳоратда шак қилиш, таҳорат қилиш мумкин бўлган ва бунга ярамайдиган сувлар ҳақидаги ҳукмларни билиб олади.

Шу билан бирга, таяммумнинг ҳам ўзига хос шартлари борлигини унутмаслик керак. Шу маънода китобда таяммумга оид масалалар, таяммум қилишни жоиз қиладиган сувга қодир бўлмаслик, сув қидириш шартлари, таяммумни синдирувчи нарсалар ҳақида маълумотлар берилади.

Ушбу тўпламда, шунингдек,

маҳсига масҳ тортиш, масҳ муддатига оид аҳкомлар, жабирага масҳ тортишга оид масалалар, ҳайз, нифос, изтиҳоза ҳукмлари, узрли кишиларнинг ҳукмлари, нажосатларга, истинжога оид масалалар каби мавзулар атрофлича ёритиб берилган.

“Рўзага оид фатволар” китобида ҳанафий уламолари томонидан фикҳ ва фатво асарларида келтириб ўтилган рўзанинг турлари, шартлари, рўзани очувчи омиллар, қазо ва каффوراتни вожиб қилувчи ишлар ва рўзага доир энг муҳим масалалар содда ва равон услубда ёритилган. Шунингдек, мавзуга тегишли замонавий масалаларнинг ечимлари ва кўп сўраладиган саволларга жавоблар ҳам китобдан ўрин олган.



Мазҳабимиз имомлари

Абу Иброҳим Исмоил ибн Яҳё Музаний шофеъий мазҳабнинг фақиҳларидан бўлиб, Имом Таҳовийнинг тоғаси эди. Таҳовий фикҳни тоғасидан ўрганди. Унинг фикҳий илми ортгани сари масалаларнинг аслий ва фаръийлиги, қадимий ва янгилигини аниқлашда кўплаб жумбоқларга дуч кела бошлади. У ўзининг саволларига тоғасидан ҳам етарли жавоб топа олмади.

Тоғаси эса ихтилофли масалаларда Имом Абу Ҳанифанинг ижтиҳодларига мурожаат қилар эди. Бу эса Таҳовийда Ироқ аҳлининг фикҳига қизиқиш уйғотди. Тоғасига Баккор ибн Қутайба (ҳанафий) раддия берганидан сўнг у Аҳмад ибн Абу Имрон (ҳанафий)дан фикҳ илмини ўргана бошлади. Ироқ аҳлининг фикҳидан таъсирланган Таҳовий тоғаси мазҳабини – шофеъийликни тарк

Буюк имом нега ҳанафий мазҳабини танлади?

этиб, ҳанафийларга эргашди. Бу ҳақда манбаларда турли ривоятлар келтирилган.

Абу Яъло Халилий “ал-Иршод” асарида Муҳаммад ибн Аҳмад Шурутийдан ривоят қилади: «Таҳовийга: “Сиз нима учун тоғангиз мазҳабига хилоф қилиб, Абу Ҳанифа мазҳабини ихтиёр этдингиз?” деб сўрадим. У: “Тоғаннинг доим Абу Ҳанифа китобларига қараётганини кўраб эдим, шунинг учун ўша мазҳабга ўтдим”, деб жавоб берди».

Абу Исҳоқ Шерозий “Табақотул фуқаҳо” асарида қуйидагиларни келтиради: «Мисрда Абу Ҳанифа издошларининг бошқаруви Абу Жаъфар Таҳовийга бориб

тақалади. У илмни Абу Жаъфар Аҳмад ибн Абу Имрон, Абу Хозим ва бошқалардан олган. У Музанийга китоб ўқиб берадиган шофеъий мазҳабидаги киши эди. Бир куни Музаний унга: “Аллоҳга қасамки, сендан бирор нарса чиқмайди”, деди. Таҳовий бу ишдан ғазабланиб, Ибн Абу Имроннинг илм ҳалқасига ўтди. У ўзининг “Мухтасар”ини ёзганида: “Аллоҳ таоло Абу Иброҳимни (тоғасини назарда тутиб) раҳматига олсин. Агар тирик бўлганида, ичган қасами (сендан ҳеч нарса чиқмайди деган гапи) га каффورات берган бўлар эди”, деган эди».

Ибн Асокир Имом Таҳовийдан қуйидагиларни ривоят қилади:

«Мен биринчи ҳадисни (тоғам) Музанийдан ёзиб олганман. Мен Имом Шофеъий сўзини тутган эдим. Бир неча йилдан кейин Аҳмад ибн Абу Имрон (ҳанафий) Мисрга қози бўлиб келди. Мен унинг суҳбатида бўлиб, унинг сўзини олдим. У куфаликларга фикҳ илмини ўргатар эди. Мен биринчи сўзим (яъни, мазҳабим)ни тарк қилдим. Бир куни тушимда Музанийни кўрдим. У менга: “Эй Абу Жаъфар, сени (қози) Абу Жаъфар тортиб олди. Эй Абу Жаъфар, сени (қози) Абу Жаъфар тортиб олди”, дер эди».

Фазлиддин СУВОНОВ,
ЎХИА эркин тадқиқотчиси

Дунё масжидлари

Покистон пойтахти Исломобод шаҳрида жойлашган бу масжид 1980 йилда қуриб битказилган. Қурилишга Саудия Арабистони қироли Файсал ибн Абдулазиз ҳомийлик қилган. Шу боис масжид “Файсал масжиди” номини олган. Ушбу мухташам масжид лойиҳасини туркиялик меъмор Вадат Далокай чизган.

Ўша кезларда Анқарада ҳам Далокай лойиҳаси асосида катта масжид қурилатган эди. У ерда меъмор гумбазли масжиднинг анъанавий қиёфасини сақлаган ҳолда юк кўтарувчи деворлардан воз кечди ва бинонинг структурасини тўғридан-тўғри пойдеворга ўрнашган бир неча гумбазга

айлантирди. Бироқ қурилиш жараёнида унинг инновацион лойиҳаси ниҳоятда авангард деб топилди ва тайёр пойдевор устига Анқарадаги ўхшаш усмонийлар биноси барпо этилди.

“Файсал масжиди” учбурчаклардан ташкил топган юзалар қиёфасида бўлди. Масжид мажозий маънода тоғлар этагига тикилган қордек оппоқ чодирга ўхшайди. Оралари очиқ пардага айланган тўртта фасад ёруғликнинг ичкарига тўғридан-тўғри тушишини камайтиради, текисликлардан ҳосил қилинган қирралар ёруғлик йўлларига айланади ва бинонинг дизайни ҳамда шаклини тасаввур қилишни

қулайлаштиради. Бинонинг ташқариси ва ичкарисиси аллақандай силлиқ эгилишлар, яхлитлашлардан холи: кўп йўналишли тўғри чизиқларга, текисликлар, қирралар ва бурчакларнинг кесишмасига асосланган. “Чодир”нинг бурчакларидаги тўртта минора ҳам бошқа жомеларнинг минораларидан фарқли ўларок, найзага ўхшайди. Файсал масжиди бир вақтнинг ўзидда 300 минг



намозхонни сиғдира олади. Шу жиҳатдан жоме дунё бўйича энг йирик масжидлар учталигидан ўрин олган.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.



Масала

6-бетда

САВОЛ: Умра қилаётган киши талбияни қачон тўхтатади?

ЖАВОБ: Умра талбияси тавофни бошлаш билан тўхтатади. Киши умрани ният қилиб эҳромга кириши билан талбия айтишни бошлайди. Йўл давомида ва тавофни бошлагунча талбия айтиш суннатдир. Масжидул Ҳаромга кириб, кўзи Каъбага тушгач, такбир, таҳлил айтади ва хоҳлаган дуосини қилади. Кейин Ҳажарул асвад ёнига боради ва талбияни тўхтатиб, тавофни бошлайди. “Жавҳаратун найи-ра” китобида бундай дейилган: “Умрага ният қилган киши тавофни бошлаётганда, яъни Ҳажарул асвадни истилом қилишда талбияни тўхтатади. Умрадан асосий мақсад тавофдир. Шунинг учун тавофни бошлаши билан талбияни тўхтатади”. “Ҳидоя”, “Мабсути Сарахсий”, “Баҳрур роик” ва бошқа мўътабар китобларда ҳам шундай дейилган.

Ҳаж учун эҳромга кирган киши қурбонлик куни Жамратул ақабага тош отишдан аввал талбияни тўхтатади. Унгача талбияни тўхтатмайди (“Мабсути Сарахсий”).

САВОЛ: Почта хизматини кўрсатаётган киракашлар зиммаларига олган нарсаларга масъул бўлишадими? Масъулиятни зиммаларига олганлари учун олишча ҳақ олишлари мумкинми?

ЖАВОБ: Маълум бир жойга етказиб бериш учун киракашга берилган нарсалар омонат бўлиб, жавобгарликни лозим қилади. Шунинг учун нарсани етказиб бериш жавобгарлигини зиммага олиш билан келишилган миқдордан ортиқча ҳақ олиш мумкин бўлмайди. Киракаш унга берилган нарсани икки ҳолатда: унга зарар етказганда ёки асраб қолиш имкони бўлатуриб, асраб қолмаганда тўлайди (“Раддул мухтор”).

САВОЛ: Қарздор одам ушр бермайдими?

ЖАВОБ: Қарздорлик билан ушр соқит бўлмайди. Бир ерга йил давомида бир неча бор экин экиб ҳосил олинса, ҳар бир ҳосилдан ушр, яъни олинган ҳосилнинг ўндан бири закот олишга ҳақли бўлган кишиларга берилади. Агар ер чиғир (артизан) ё унга ўхшаш пастдан тепага сув чиқариб берувчи воситалар билан суғорилса, у ҳолда ҳосилнинг йигирмадан бири ҳақдорларга берилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк валий олимлардан бири Саййид Абдулқодир Ғийлоний-Жилий ҳазратларидир. Улуғ алломанинг “Ал-Фатҳ ар-Раббоний вал-Файз ар-Раҳмоний”, “Футуҳ ал-Ғайб”, “Сиррул-асрор” ва “Мактуботи Ғийлоний”, “Девони ҳазрати Ғавсул Аъзам” каби асарлари тасаввуф

таълимотининг моҳияти, тадрий жий такомил ва энг муҳим бўлган – руҳиятини англашда катта ёрдам беради.

“Девони ҳазрати Ғавсул Аъзам” шайхнинг “Муҳйи” таҳаллуси билан ижод этган ирфоний мазмундаги ғазаллари тўпламидир. Таъниқли олим Отабек Жўрабоев

таъкидлашича, у зотнинг девон тартиб қилгани турли тазкираларида ҳам таъкидланган¹. Ҳатто ушбу девондан танлаб олинган ғазаллардан иборат “Ғазалиёти Муҳйи”² номли кўлёмалар ҳам кўп учрайди. Ғавсул Аъзам ҳазратларининг айрим ғазаллари таржимасини ҳавола этилган.

Йўл бўйида Муҳйидек интизор бўлай...

Иккинчи ғазал

Васли орзу бўлмаса, айт, не керакдир жон менга,
Ёр лутфисиз ҳаёт қоп-қора ғам-ҳижрон менга.

Сарвинг бўйи жигарнинг қон ёши омухтадир,
Келмаса боғбон агар, не керак бўстон менга?

Ўз таним бирла соямнинг ўртасида йўқ фарқ,
Бўлди, бас, оташ сочувчи бир дили сўзон менга.

Пири Канъондек бўлибдур чун менинг ҳолим, нетай,
Кўздин оқди ашк сели, бас дийдаи гирён менга.

Жомаи жоним ҳануз чокдир бу ишқ водийсида,
Ҳар тарафдин тийғи ғам ҳеч бермагай омон менга.

Васли ёрдин бенасиб этдинг мени, Парвардигор,
Кўп узоқда қолди у, йўқ суҳбати жонон менга.

Сен учун мардумнинг юз-хотирин қилдим, баса,
Энди ҳеч парво эмас қавли бадгўён менга.

Манзилим оташкада, хокистаридурман ўзим,
То дегайсан: “Бўлди Муҳйи бесару сомон Менга...”

Тўртинчи ғазал

Мен ўзим Озарману* бутлар ясайман рўзу шаб,
Ҳам Халилуллоҳман десам, кўрмангиз асло ажаб.

Бутхонада бутлар ила тиллашиб турсам-да гоҳ,
Дилда Оллоҳ нуридан ҳайратдаман кеч-эрталаб.

“Ҳой-хуй”имни сен эшит, ранги рўйим сўрмагин,
Ул томонда гарчи сен, кўр мен томонга бир қараб.

Сирри кўнгил кўп улуг, васфин қила олмайди тил,
Ишқида девонадир турку тожик ҳам араб.

Ким жаҳонга шоҳ бўлиб, кўрмоқчи бўлса чехрасин,
Лўли қавми илқидин ойиналар этсин талаб.

Ҳақ жамолин кўрсатарда тек турмади тоғи Тур,
Рақс қилди тошларида реза тер – инжу тараб.

Мен ўзимни олиғу худбин кўрсам-да, ҳамон
Бу қадар фазлим учун сен ҳеч тополмайсан сабаб.

Йўлидан чиққай, адашгай маст агар бўлса туя,
Мастлигининг зўридан бошин урар – тошу ҳатаб**.

Ҳақ агар Маҳшар кунни айласса фазлу карам,
Раҳмати жўши билан осийга ҳам қилмас ғазаб.

Миср бозорида топмай хабар Юсуфи Канъондин
Эл ҳама андуҳ ила қилди фарёду шағаб***.

Порлагай кўнглингда, Муҳйи, ҳақ нуридан бир чароғ,
Тенги эрмас кўкда ой, ерда – қандили Ҳалаб...

* Озар – Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғай отаси

** Ҳатаб – ўтин, ёғоч

*** Шағаб – ғавғо, тўполон

Еттинчи ғазал

Ҳақ жамолин кўрмаса олишқлари жаннатда гар,
Маст ўлуб қасри беҳиштни айлагай зеру забар.

Ҳақ таоло бандаларга берса гар жоми таҳур,
Сипқориб тез, ортидан тутгай яна бўш косалар.

Дил дарахтига висолнинг орзуси пайванд эрур,
Ондин ўзга икки олам бизга йўқ шавқу шарар.

Тола мўй ҳам холимас дўстни бул савдосидин,
Дўстни бу савдоси – тақдир, эрмас асло дардисар.

Бандаларнинг тақдирин битганда ул лавҳи қалам,
Билмадик бахтдинми у ёки шақоватдин асар.

Кўрмагунча дўстни то кийганим бўлсин қаро,
Ранго-ранг беҳишт аро ажралиб тургай магар.

Бутга сажда қилди деб бизни кофир ўйлама,
Сажда чоғи билмадик – ул Каъбаму ёким дигар.

Ошиқу девоналарнинг қошидан кетсин ҳама,
Чунки ошиқ “ло яъқул” – билмагай нафъу зарар.

Аҳли муштоқ жонларидан мушк сочилгай ҳар қаён,
Бўйидан Фирдавс аро ҳар гиёҳ топгай самар.

Муҳйи дер: “Оҳ, мен нетай? Энди не қилгум? Ахир –
Ишқида куйган жонимни олди жаннат – жилвагар.

Эллик иккинчи ғазал

Қандай яхши кун бугун – дилга меҳри ёр тўлди,
Кўнгилда ишқ оташи, кўзлар ашки бор бўлди.

Чиққан эрди ёдимдан боғу баҳор хаёли,
Ашким канори гулгун бир лолазор бўлди.

Бу саодат қадрига етгайми бағритошлар?
Кўз йўлингда самандар, эй шаҳсувор, бўлди.

Энди юз бурма мендан, қошингга келдим ожиз,
Эй паймоншикан, охир, сенга шу қарор бўлди.

Оҳ-нолани кўнгилдан чиқардим – отдим буткул,
Шукр, онинг хатари хотирдин гузор бўлди.

Бечорани ҳузурдан ҳайдадинг, ҳижрон этдинг,
Бугун ишқ ошомидан кўнгил умидвор бўлди.

Ким сўраса: Эй Муҳйи, қандай жавоб қиларсан?
Дегум: Бир ожиз қулга бир лаҳза озор бўлди...

Олтмиш учинчи ғазал

Шоҳ кўшқини истамам, хоки пойи ёр бўлай,
Бошига Ҳумо қўнса, сояи девор бўлай.

Қадду бўйига сарв нисбат эрса не ажаб,
Ой дер гулрухсоримга шеваи рафтор бўлай.

Гулга ўхшатсам уни еллар тортқилаб қўймас,
Табассум қилса, лаби дейди бол гуфтор бўлай.

Оҳу кўзлари фириб тўрини ташлаганда,
Караималари айтур: Ғамзаи хунхор бўлай.

Васлига етмоқ қийин, Усиз яшаш имконсиз,
Ишқида ўлмоқ ният, ожиз-тавбакор бўлай.

На ҳуш агар олишқча келса ёрдан бир мужда,
Васлу ҳажр бир бўлар – ёр бўлай, ағёр бўлай.

Жоним фидодир сенга Ундан хабар келтирсанг,
Йўл бўйида Муҳйидек интиқ, интизор бўлай.

Абдужалил ХЎЖАМ, Гуландом ЮНУСОВА
таржималари

¹ Пулатжон Домулла Қаюмов. Тазкират уш-шуаро. Кўлёмза. 372-саҳ.

² ЎзР ФА ШИ фонди 964-рақамли кўлёмзалар.

(Давоми,
бошланиши ўтган сонларда.)

Тилла идишни ким ўғирлади?

Юсуфнинг акалари ўз юртлари-га қайтиб бориб, бўлиб ўтган воқеа-ни оталарига айтиб беришди. Кейинги гал укалари Биняминни ҳам олиб боришмаса, Миср ҳокимининг хузуридан қуруқ қайтишларини таъкидлашди. Яъқуб алайҳиссалом: “Уни сизларга худди акаси (Юсуф)ни ишонганимдек ишониб топширайми?” деб уларга эътироз билдирди.

Ака-укалар Мисрдан олиб келган юкларини очишди. Юкларини ичида ўзлари олиб борган молларини ҳам турар эди. Буни кўриб, оталарига: “Эй ота, мана нарсаларимиз ўзимизга қайтарилибди... Ини-мизни (бизга қўшиб юборсангиз, уни) эҳтиёт қиламиз ва унинг учун ҳам бир туя юкни кўпроқ оламиз...” дейишди. Улар шу гапларни қайта-қайта такрорлайвергач, ахийри оталари бундай деди: “Уни (Биняминни) менинг олдимга келтиришингиз ҳақида Аллоҳ номига қасам ичмагунингизча уни асло сизлар билан бирга юбормайман. Аммо қуршовда қолиб сўзингиз устидан чиқолмасангиз, бошқа гап”.

Улар Аллоҳ номига қасам

ичишгач, Яъқуб алайҳиссалом: “Бу гапларимизга Аллоҳ гувоҳдир”, деди. Шундай қилиб, Яъқуб алайҳиссалом Биняминни акалари билан қўшиб юборишга рози бўлди. Болаларини сафарга кузатар пайт келганида уларга: “Эй ўғилларим, Мисрга битта дарвозадан эмас, турли дарвозалардан киришлар”, деб насиҳат қилди. Чунки ўн икки нафар ўғлоннинг ҳаммаси бир дарвозадан биргаликда кириб боришса, уларга одамларнинг кўзи тегиши мумкин эди.

Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғиллари Мисрга, худди оталари буюрганидек, турли дарвозалардан киришди. Юсуфнинг хузурига кирганларида, у иниси (Бинямин)ни ўзига тортиб, қулоғига: “Мен сенинг акангман. Энди акаларимиз қилаётган ҳасад ва адоватларидан ташвиш чекма!” деди.

Юсуф Биняминни кўрмаганига кўп вақт бўлган эди. Уни яна кўриб турганидан ич-ичидан севинди. Ундан отаси, онаси ҳақида сўради. Юсуф укаси Биняминдан айрилишни истамасди. Уни қандайд қилиб ўзи билан олиб қолиш

чорасини излади. Бу шундай чора бўлиши керакки, акаларининг ҳам қасамларига путур етмасин.

Шундай қилиб, Юсуф бир хийла кўллади. Юклар ҳозирланаётганида сув ичиладиган қимматбаҳо бир идишни ҳеч кимга билдирмай Биняминнинг буюмлари орасига жойлаб қўйди.

Акалари юкларини ортиб йўлга тушишган пайт жарчи: “Сизлар ўғрисиз!” деб жар солди. Улар: “Нимангиз йўқолди?” дейишди. Жарчи: “Подшоҳнинг сув ичадиган идиши йўқолди”, деди. Улар: “Аллоҳга қасамки, бизлар бу ерга бузғунчилик қилиш учун келмаганимизни биласиз. Биз ўғри эмасмиз”, дейишди.

Жарчи: “Агар ёлғончи бўлиб чиқсангиз, жазоси нима?” деди. Улар: “Кимнинг юки орасидан топилса, шунинг ўзи унинг жазосидир”, дейишди.

Тафтиш қилиб кўрилганида йўқолган идиш Биняминнинг буюмлари орасидан чиқди. Акалари бундан ҳечам хижолат бўлишмади: “Агар Бинямин ўғрилиқ қилган бўлса, қилгандир, чунки илгари унинг акаси ҳам ўғрилиқ қилган

эди”, дейишди. Юсуф бу тухматни эшитиб, ичида: “Сизлар ёмон мартабада экансиз. Аллоҳ сиз айтаётган нарсани яхши билувчидир”, деди. Акаларига индамади, чунки у сахий ва ҳалим эди.

Улар: “Эй Азиз, бунинг кекса отаси бор. Биняминни қолдириб унинг хузурига қайтолмаймиз. Яхшиси, бизлардан биримизни укамизнинг ўрнига олиб қол. Биз сени яхшилик қилувчилардан эканингни кўрмоқдамиз”, дейишди. Юсуф эса: “Матоҳимизни олган кимсadan бошқани олиб қолишдан Аллоҳ сақласин. Акс ҳолда, золимлардан бўлиб қоламиз”, деди.

Шундай қилиб, Бинямин Юсуфнинг олдида қолди. Икки ака-ука жуда хурсанд бўлдилар. Чунки Юсуф узоқ вақтдан бери бирор яқинини кўрмаган эди. Аллоҳ унга (ота-она бир) укаси Биняминни қайтариб берди...

(Давоми бор.)

Абул Ҳасан Али Ҳасан Надавийнинг
“Пайғамбарлар қиссаси” китобидан
Анвар АҲМАД таржимаси

Саломатлик бурчаги



Зайтун ёғи шифобахш хусусиятга эга бўлиб, таркибида тўйинмаган ёғ кислоталари (олеин кислотаси) бор. У инсон организмдаги холестеринни парчалайди, қон томирлари деворини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, зайтундаги линол кислотаси танадаги жароҳатларнинг тез ботишига, кўз равшанлигига ёрдам беради.

Зайтун ёғи жуда кўп касалликларга даво ҳисобланади. Жумладан:

- юрак касалликлари (фалаж, хуруж)нинг олдини олади, уларни самарали даволайди;
- юракнинг ёш сақланишига сабаб бўлади, кексаларда юрак фаолиятини яхшилайди;
- артерия қон томирларини эгилувчан (эластик) қилади;
- систолик, диастолик қон босимини пасайтиради;
- қондаги холестерин миқдо-

рини камайтиради, уни меъеридан ушлаб туради;

- ошқозон, ичаклар, ошқозонности бези, жигар фаолиятини яхшилайди;
- ошқозон, ўн икки бармоқли ичакдаги яраларни тузатади;
- ични равон қилади;
- организмнинг ёшаришига ёрдам беради;
- зайтун ёғини ҳар куни истеъмол қилиш юрак-томир тизимидаги юрак толиқиши, юрак хуружи, шунингдек, саратон, хусусан, аёллардаги кўкрак саратони, қандли диабет, семириш касалликлари хавфини камайтиради;
- зайтун ёғи инсоннинг ёш, навқирон кўринишига сабаб бўлади;
- суякни мустаҳкамлайди;
- юқори артериал қон босимини меъёрлаштиради;
- бавосир (геморрой) касаллигини даволайди;

Зайтун ёғи – шифобахш неъмат

— рухий касалликларнинг олдини олади. Жумладан, тушқунликни бартараф этади;

- мия фаолиятини ривожлантиради, хотирани кучайтиради, мия фаолияти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этади;
- қаришни секинлаштиради; лабга, қовоқларга суркаб турилса, лабни чиройли қилади, кўзни қувватлантиради;
- соч ва тирноқ ўсишига ижобий таъсир кўрсатади;
- сочларни мустаҳкам, эгилувчан қилади (сочларга суртиш керак);
- терини тозалайди, унинг чиройини очади, ўта қуруқ терини мулоим қилади;
- овозни майин қилади;
- милкни мустаҳкамлайди.

“Бахтли ҳаёт сари” китобидан

Имло саводхонлиги

“Нақ” ва “нақд”

Бу икки сўзни кўпчилик адаштириб қўллайди. Аслида улар орасида фарқ бор.

“Нақ” сўзи айтилганнинг, кўзда тутилганнинг ўзгинаси, айни ўзи, худди, деярли, роса, обдан каби маъноларда ишлатилади:

Аргентиналик вингер нақ 4 та ҳашаматли автоуловга эгалик қилади.

“Нақд” сўзини эса пулини жойида тўлаш шарти билан амалга ошириладиган савдо жараёнида, шунингдек, қўлда, ихтиёрда бор, фойдаланиш ёки муомалага киритиш учун тайёр маъноларида қўллаймиз:

“Бу болаларнинг ота-оналари ўқини тўловини нақд пулда берар эдилар”.

“Нақд пулим нақ ўн миллион сўм чиқди”.

“Тўғри ёзамиз – мутахассис блоги” каналидан олинди.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамол нури

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar
18-berkk'o'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
Nigora MIRZAYEVA
Musahhiha:
Zabo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
15.02.2024
Xulosa (№03-07/894) olindi:
22.02.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.400
24-3/5-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkk'o'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!